

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган давлат университети

Ижтимоий-иқтисодий факультети

Ҳуқуқшунослик кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Мол-мулкни бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш.

Тайёрлади:

5380100-юриспруденция таълим
йўналиши 4 курс 401- гуруҳ талабаси
Маматқулов Бектош Аблақулович

Илмий раҳбар:

катта ўқитувчи Боқубоев К. Ю.

Наманган-2012

Мундарижа

Кириш.....	3-7
1-боб. Мулк ҳуқуқининг мазмуни.....	8-24
1. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари....	8-14
1.2. Мулк ҳуқуқининг мазмуни.....	15-27
 II боб. Хусусий мулкнинг бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	 28-32
2.1.Бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти.....	28-32
2.2. Хусусий мулкнинг бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	33-42
 III боб. Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва давлат мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.....	 43-50
3.1. Нодавлат, нотижорат ташкилотлар мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.....	43-50
3.2. Давлат мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.....	50-56
 Хулоса	 57-60
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	 61-65

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий ахлоқи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.»¹

И.А.Каримов.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги ва унинг аҳамияти. Жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мулк билан, мулкнинг кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Мулксиз ижтимоий муносабатлари ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Мулк ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ҳаракат манбаидир. Айниқса, хусусий мулкчилик бу борада алоҳида ўринни эгаллайди. Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Иккинчи устувор вазифа - хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш»² лозим деб таъкидлаб ўтди.

Шунингдек жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнида президентимиз Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларини белгилаш чоғида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: “Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди”³.

“Биринчи навбатда, дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор”⁴.

Агар хорижий сармоялар учун мумкин қадар қулайлик туғдириб бериш тартиби ўрнатилган бўлса, у ҳолда сармоядорлар кўплаб тармоқларда, чунончи хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида давлат мулки хусусийлаштирилиётган мамлакатларда амалдаги қонунлар асосида иштирок этишлари мумкин.

¹«Адолат - қонун устиворлигида». И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги маърузаси, Халқ сўзи., 2001 йил 30 август.

²И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й. 79-бет.

³И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009, 9-12-бетлар.

⁴“2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

Мулкнинг жамиятни ривожлантиришдаги, давлатнинг иқтисодий кудратини оширишдаги аҳамиятини англаган ҳолда, Республикамиз давлат ходимлари, тадбиркорлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда юридик хизмат кўрсатувчи шахслар бу соҳада нафақат чуқур билимга эга бўлишлари, шунингдек кундалик ҳаётда давлат, корхона, хўжалик бирлашмалари, жисмоний шахслар иулкни бошқаришда ва мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз билимларини кўрсата билишлари керак.

Шундай экан, улар ҳозирги даврда республикамиздаги мавжуд мулкчиликнинг шакллари, уларнинг хусусиятларини, вужудга келиши ва бекор бўлиши асослари ва сабабларини, мулкни самарали бошқариш усулларини, ўз навбатида мулк эгалари эса ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини пухта билишлари лозим.

Малака ишининг норматив ва назарий асослари. Малака ишининг норматив асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонун «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги ва шу каби қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатлари ташкил этади. Назарий асоси эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, ҳуқуқшунос олимларнинг дарсликлари, қўлланмалари ва илмий мақолалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий ўрганилганлик даражаси. Мулк ҳуқуқи бўйича муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар»да, Фуқаролик Кодекси иккинчи қисмига шарҳлар»да, «Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм» 2006 йилги дарслигида ва бошқа республикамиз илмий-назарий юридик журналларда баён қилинган. Хусусан, мулк ҳуқуқини ўрганишга доир назариялар ўзбек олимлари профессорлар Ҳожиакбар Раҳмонқулов, Икром Зокиров, Ш.М.Асянов, У.А.Арипджанов ва бошқаларнинг илмий фаолиятида яққол ўзифодасини топган. Бундан ташқари, Россия Федерациясида рус тилида чоп этилган профессор А. П. Сергеева, профессор Ю. К. Толстойнинг «Гражданское право. Часть 1» ўқув қўлланмасида, шунингдек бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг ҳам илмий қўлланмалари ва мақолаларида бунга доир илмий назариялар ўрин олган.

Юқорида кўрсатилган адабиётларда мулк ҳуқуқига ва мулкни бошқаришга оид муаммолар атрофлича тадқиқ қилинган бўлсада, тадқиқот объектини илмий ўрганиш ўз қимматини йўқотмайди. Айниқса, сўнгги йилларда давлат мулкчилик борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар бу соҳани янада чуқурроқ тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Фуқаролик жамиятининг узил-кесил шаклланишида мулкнинг ҳам ўрни ва роли ўзгачадир. Битирув малака ишининг асосий мақсади мулк ҳуқуқи ва мулкни бошқариш билан боғлиқ муносабатлар, мулк билан боғлиқ норматив ҳужжатларнинг асл моҳиятини очиб бериш илмий ўрганишдан иборат.

Бу борада тадқиқотининг олдида қуйидагича вазифалар қўйилди:

- фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқи шакллари ва уларнинг аҳамиятини ўрганилмаган жиҳатларини тадқиқ қилиш;
- мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларини кенг ўрганиш;
- мулк билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларни илмий таҳлил қилиш;
- мол-мулкни бошқаришни ва бу борадаги муаммоларни таҳлил қилиш;
- мулк ҳуқуқининг мазмунини ёритиб бериш;
- тадқиқот юзасидан муайян хулоса ва таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объектини мулк муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни илмий таҳлил қилган ҳолда, мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни илмий ўрганиш ташкил этади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот иши давомида вужудга келган хулоса ва фикрлардан мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш масалаларини ижобий ҳал этишда фойдаланиш мумкин.

Малака ишининг тузилиши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

Кириш қисмида битирув малака ишининг долзарблиги ва аҳамияти, мақсад ва вазифалари, объектлари ва амалий аҳамияти акс эттирилган.

Биринчи боб мулк ҳуқуқининг мазмунига бағишланган бўлиб, икки параграфдан иборат.

Бу параграфларда Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари, мулк ҳуқуқининг мазмуни тадқиқ қилинган.

Иккинчи боб хусусий мулк тавсифи ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.

Учинчи бобда нодавлат, нотижорат мулк ҳамда давлат мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатларига оид масалалар ифодаланган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижасида вужудга келган хулоса ва таклифлар баён этилган.

1-боб. Мулк ҳуқуқининг мазмуни.

1.1. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.

Президентимиз И.А.Каримов 2010 йил 27 январ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир” деб номланган маърузаси ва 2010 йил 29 январ 2009 йилнинг ялпи якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузасида иқтисодиётимизнинг ривожланишида мулкчилик ва инвестиция соҳасига оид фикрларини билдириб ўтди:

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа авваламбор демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир¹.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда ўтган 2009 йил якунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муқим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш керакки, аввало, 2009—2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини ҳолисона баҳолаш муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Нега деганда, 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил хулосаларига таянишимиз мумкин бўлади.

Ўтган йили мамлакатимиз хўжалик субъектларига кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Енгил ва озик-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар яратилди.

Уй-жой куриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга солиққа тортилмайдиган бўлди.

Мухтасар айтганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 27.01.2010.

муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқца. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробарга пасайтирилди.

Йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди.

Ушбу секторга ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодий тизимнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди.

2009 йилда глобал иқтисодийнинг ўсиши тахминан 1 фоизга қисқарган бўлса, жорий йилда дунёда иқтисодий ривожланиш 3 фоиз атрофида ошиши мумкин, бу эса инқирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичлардан анча пастдир.

Таҳлилчиларнинг қайд этишича, ишсизлик даражасининг ўсиши кутилмовда ва бу аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Халқаро бозорнинг ривожланишидаги беқарорлик, кўплаб мамлакатларда товарларга ички талабнинг пасайиши давом этаётгани иқтисодийнинг реал сектори суръатларининг изчил ўсиши учун мустахкам асос яратиш имконини бермаётганини таъкидлаш лозим.

Инқироз авжга чиққан даврда давлатларнинг иқтисодийга кенг миқёсда аралашуви, биринчи навбатда, банк-молия тизими ликвидлигини қўллаб-қувватлашга, ипотека кредитлари соҳасидаги ўпирилишларни бартараф этишга қаратилиб, иқтисодийнинг реал сектори тармоқларига, ишлаб чиқаришга, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига кам эътибор берилгани вазиятга салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Шу муносабат билан корхоналар ва компанияларнинг молиявий аҳволи заифлиги, уларнинг қарзлар ва банк кредитларини қайтаришга лаёқатсизлиги билан боғлиқ муаммолар жорий йилда иқтисодийнинг реал секторига жиддий таъсир кўрсатади.

2010 йилда ва кейинги йилларда банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини хавфи вужудга келиши мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва қисқариши, ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг чекланиши солиқ тушумларининг

жиддий камайишига, давлат бюджети тақчиллигининг ошишига олиб келиши ва бу жараён айрим мамлакатларда сурункали тус олиши мумкин.

Учинчидан. Бозорда истеъмол талабининг пасайиши давом этаётгани нарх-наво ошишини чегаралаб турганлигига, қаердадир дефляция мавжудлигига қарамай, аввало, пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши бир қатор мамлакатларда инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Бундай шароитда кучайиб бораётган инфляция даражасини жиловлаб туриш ниҳоятда мушкул вазифага айланишини тушуниш қийин эмас.

Тўртинчидан. Фонд, хом ашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача айтганда, янги молиявий «кўпиклар» хавфининг авж олаётгани яна молиявий касодларга олиб келиш хавфини туғдириши мумкин.

Бешинчидан. Иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги энг катта муаммолар, аввало, ривожланаётган мамлакатларда, жаҳон амалиётида давом этаётган протекционизм сиёсати оқибатида вужудга келмоқда.

«Катта йигирмалик» деб ном олган давлатлар гуруҳининг йиғилишларида бундай номаъқул ишларга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида кўплаб баёнотлар берилаётганига қарамай, эркин иқтисодиётга яққол тўсқинлик қилиб турган протекционизмдан яқин орада қутулиш қийин, деган таассурот пайдо бўлади.

Олтинчидан. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувини камайтиришга тайёргарлик кўриш 2010 йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур молиявий-иқтисодий соҳадаги қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳаддан зиёд узоқ давом этиши иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда мувозанатнинг бузилиши ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги жиддий чеклашлар каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, молиявий инқироз шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид бундай баҳолар ва прогнозлардан келиб чиқадиган хулоса шундан далолат берадики, инқирознинг энг оғир босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иқтисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади.

Инқироздан чиқиш ва инқироздан кейин иқтисодиётни соғломлаштириш жараёни узоқ давомли ва ўта мураккаб бўлиши мумкин.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш — бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилмакоммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боршдан иборат¹.

2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг ялпи якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь.

инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади.

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

Бу лойиҳаларнинг барчаси ўтган йили, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, қабул қилинган 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурига киритилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Инвестиция дастури рўйхатига киритилган стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узоқ муддатли техника сиёсати нуқтаи назаридан ишлаб чиқиладиган янги лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари ва шартларини мувофиқлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштириши даркор.

Энг самаралиси ички имкониятлардан самарали фойдаланиш бўлиб, бунда оила мулки асосида ташкил қилинадиган оила тадбиркорлигидир. Кейинги пайтларда оилага ўзгача эътибор берилиб, уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида Президентимиз ташаббуслари билан 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши, аҳолининг кенг қатламларини айниқса аёллар ва болаларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиниши давлат сиёсати даражасига яна бир бор кўтарилди ва бу борада самарали иш олиб борилмоқда.

“Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айтилган шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутиладиганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-

қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш - буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз”¹.

1.2. Мулк ҳуқуқи мазмуни.

Мулк ҳуқуқи ўз навбатида икки маънодаги: объектив ва субъектив маънодаги мулк ҳуқуқига бўлинади.

Объектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда, табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд заҳираларини, усулларини бўлгиллаш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун халқ манфаатларини кўзлаб белгиланган тадбирларни ифодаловчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси назарда тутилади. Чунончи, мулк тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи деб айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг (давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ нормалари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларига айтилади².

Мулкни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунчалари мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади. Субъектив мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган бу элементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доираларда берилади³.

Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги қонуни ва ФКнинг 164-моддасида белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра, ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шу маънода мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда, ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўз манфаатларини кўзлаб, бировнинг (учинчи шахсларнинг) тазйиксиз, ғайриҳуқуқий таъсирсиз ҳаракат қилиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазйиқ кўрсатилган бўлса, қонун мулкдорнинг хоҳиш-иродаси эркин амалга оширилишини кафолатлайди ва муҳофаза қилади. Айти вақтда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкдорнинг мулкий ҳуқуқни ўз хоҳишига кўра амалга оширишда унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинларига ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ота-она вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат пул маблағи қўйганда ҳам, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлагандай бўлса ҳам, аслида мулкдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулкдорнинг ўзи хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулкий битимлар тузишига мажбур қилиш, умумий қоида бўйича бундай битимлар ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Юқорида айтганимиздек, мулк ҳуқуқи уч элемент - мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан ташкил топади.

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эрки-иродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ, аввало, мулк эгасига тегишли бўлади. Аввало деганимизнинг боиси шундаки, мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан

¹Каримов И.А. “Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”, “Ҳақ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь;

²Муаллифлар жамоаси. Мулк ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2006. 8-б.

³Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган. –Т.: ТДЮИ. 2006 й, 213-б.

бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага берилганида, вақтинча текин фойдаланиш учун топширилишида, омонатга қўйилишида ёки маъмурий далолатномаларга биноан вақтинча сақлаш учун бирон ташкилот ёки фуқароларга ўлғазилишида эгалик ҳуқуқи мулк эгаси ҳисобланмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлда сақлаб туришга қонуний эгаллаш деб айтилса, қонуний асослар бўлмай туриб бировларга қарашли мулкни эгаллаш, масалан, бировнинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкни қўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш деб айтилади.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи - мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойда қўришдир. Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Масалан, мулк ижараси шартномасига мувофиқ, ижарага берувчи даставвал мулкни ижарага олувчига қонун ёки шартномада кўзда тутилган тартибда топширади. Топшириш билан бир вақтда ижарага олувчида мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади ва у шундан сўнг ижарага берилган мол-мулкдан фойдаланиши мумкин. Мулкдан ишлаб чиқаришда ёки кундалик ҳаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истёъмол қилинади ёки муайян вақт давомида аста-секин эскиради.

Агар бировнинг мулкидан фойдаланиш қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмай туриб амалга оширса, бундай фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулкдан фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи - мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир.

Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўниш тўғрисида шартномалар туза олади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни ташлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин. Бу ҳуқуқ мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан мол-мулкдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йўллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

Бу ҳуқуқнинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш ҳуқуқи, ижарага беришда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бировга ўтса, ашёнинг сотилиши ёки ҳадя қилинишида эса субъектив мулк ҳуқуқининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ҳам бутунлай бошқа шахсга (янги мулкдорга) ўтади¹.

Айрим ҳолларда, чунончи, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик ҳуқуқини қонунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзи сақлаб туради. Фуқарога тегишли мулк ўғирлаҳилганида, унинг кимнинг қўлида бўлишлиги аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи йўқолади. Умуман олганда мулкни тасарруф этиш элементи кимда бўлса, шу шахс (гарчи мулкнинг қўлида, яъни эгалигида ёки фойдаланишида бўлмаса ҳам) мулкдор ҳисобланади. Зеро, тасарруф этиш элементи мулкнинг шакли ва ҳуқуқий мақомига қараб муайян ҳужжатлар (ордер, тилхат ва ҳ.к.) билан тасдиқланади.

¹Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. Қайта ишланган ва тўлидирилган. -Т.: ТДЮИ. 2006 й, 214-б.

Мулк эгалари ўзларига тегишли мулк ҳуқуқидан ғайриқонуний мақсадларда, бировнинг зарарига фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Мулкдор ҳуқуқлари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида баён қилинган бўлиб, унга асосан мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу Конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулкдор ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишдан қуйидаги шартларига амал қилиши лозим:

1. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт;

2. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, кўчмас мулк-ер участкаси эгаси қўшни ер участкаси эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан зарур ҳолларда, бошқа ер участкаларининг эгаларидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақли. Одатда, сервитут пиёдалар ва транспорт йўли, электр, алоқа, газ ёки сув қувурлари ўтказиш учун зарур бўлиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер эгасини мулк ҳуқуқидан асло маҳрум қилмайди. Сервитутдан фойдаланувчи билан ер участкаси эгаси ўртасида сервитут ҳақида битим тузилиб, у кўчмас мулкка оид битимлар каби рўйхатдан ўтказилади. Сервитут белгиланган участканинг эгаси агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир¹;

3. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас;

4. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганда фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Мулк ҳуқуқининг мазмунида нафақат мулкдорнинг ҳуқуқлари, балки мол-мулкни сақлаб туриш бурчи ҳам ётади. ФКнинг 174-моддасига асосан, ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Агар мулкдор бу мажбуриятни бажармаса, баъзи ҳолларда унинг мулкӣ ҳуқуқлари чегаралаб қўйилиши ёки мол-мулк ундан олиб қўйилиши ҳақида даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин (масалан, ФКнинг 190-моддасида кўзда тутилган асослар бўйича).

Ҳозирги индивидуал мулк шакллариининг тараққиёти - хусусий мулк билан характерланади. Бунда ҳуқуқӣ тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мулкӣ муносабатларнинг туб моҳиятини очиб беради. Хусусий мулкни юридик шаклсиз тасаввур этиш қийин. Хусусий мулкда муайян мол-мулкнинг қатъӣ кимга тегишлилигини, бошқа ҳеч кимга тегишли эмаслигини ҳуқуқӣ таъминлаш зарурдир. Шунинг учун биринчи навбатда мол-мулкнинг мулк эгасига қатъӣ тегишлилигини ҳуқуқӣ мустаҳкамлаш зарур. Агар бу қонунларда кўрсатилмаса бирор низо вужудга келса, уни ҳал этиш мумкин бўлмайди. Агар бу ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топса, мулкдорнинг ихтиёридан ташқари бирон йўл билан улар қўлидан кетганда уни талаб қилиб қайтариб олишга ҳақли бўлади. Бундай ҳуқуқӣ тизимнинг ривожланиши хусусий рим ҳуқуқида дастлаб ўз аксини топган эди. Унда биринчи навбатда мулкдорнинг ашёвий ҳуқуқ-ларини қатъӣ ҳимоя қилиш мутлақ характерга эга эди.

¹ Муаллифлар жамоаси. Мулк ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2006. 344-б.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни унинг юқорида берилган тушунчасидан келиб чиқади. Унга асосан фуқаролар хусусий мулки муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у ҳар бир фуқаронинг ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқларини ўз хоҳишига кўра амалга оширишда тўлиқ эркинликларга эга бўлиш ва бу ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни қатъий ҳимоя қилиш билан боғлиқдир. Бу фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни ва мулкдорнинг асосий ҳуқуқларининг характерини беради.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни мулк эгасининг мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини ташкил этади.

Мулк ҳуқуқининг мазмунини унга элементи (ҳуқуқдорлик) ташкил этади, улар мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдир. Бундай мулк эгасининг ҳуқуқлари бизнинг қонунчиликка ҳорижий юридик одатга кўра кириб келган. Ҳуқуқдорлик ҳақида машҳур Наполеон Кодексининг 554-моддасида “Мулк - бу ашёдан имконияти мутлақ даражада фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир...” - деб кўрсатилган. Бунда мулк ҳуқуқининг мазмуни элементларидан бири эгалик қилиш ҳуқуқи ҳисобга олинмайди. Мулкдор мол-мулкка эгалик қилмас экан, ўз-ўзидан маълумки, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўла олмайди. Бунга қўшимча қилиб, 1814 йили рус юристи В.Г.Кукольник “мулкдор ашёга эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни эркин тақсимлаши (тасарруф этиши) мумкин”, - деди. Ушбу фикр қонунчиликда ҳозиргача мавжуд бўлиб, у собик Иттифок ҳудудида ташкил топган барча давлатлар мулк ҳуқуқининг мазмунига асос қилиб олинган. Бу ҳуқуқий нормалар хусусий ҳуқуқнинг асосини ташкил этган.

Мусулмон ҳуқуқида ҳам мулк масаласи доимий диққат -марказда бўлган. Мусулмон ҳуқуқида кўра, мулкдорга қуйидаги ҳуқуқлар тегишли бўлган: фойдаланиш ҳуқуқи (манфаат), эгалик ҳуқуқи (қабз), даромад олиш ҳуқуқи (таъмлик) ва тасарруф этиш ҳуқуқлари. Унда эгалик ҳуқуқи бошқа ҳуқуқлардан устун турган.

Мулккий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий вазифаси мулкдорнинг ўз мол-мулкига нисбатан мутлақ мулккий ҳуқуқини амалга оширишни таъминлашдан иборат.

Бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган ҳозирги кунда миллий қонунчилигимиз тизими ўзгарди. Ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида туб иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқца. Бунда мулккий ҳуқуқлар ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга. “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида “Мулкдор ўзига тегишли мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади”, - деб кўрсатилганлиги диққатга сазовордир. Чунки ушбу норманинг аҳамияти улкан ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни фуқароларнинг ўз хоҳишига кўра ўзига тегишли мол-мулкка хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари ташкил этади. Бу ҳуқуқ нормаси мустақил Республикаимизнинг Фуқаролик кодексида мустаҳкамлаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, мулк ҳуқуқининг асл моҳиятини очиб беради, иккинчидан, мулкдорда мол-мулкка нисбатан хўжайинлик туйғусини мужассамлайди; учинчидан, мулкдорнинг ҳуқуқлари илгари қонунлардагидек қатъий белгилаб берилмаган бўлиб, у ўз мол-мулкидан ўз хоҳишига қараб ҳар қандай ҳаракатни содир этиши мумкин.

Мулкдорнинг ҳуқуқларидан бири эгалик қилиш ҳуқуқи бўлиб, бу ҳақда юридик адабиётларда бир қатор фикрлар илгари сурилган. Эгалик қилиш ҳуқуқи деганда, шахснинг ашё устидан фактик ҳукмронлиги тушунилади¹.

Биринчи навбатда "эгаллаш" ва "эгалик қилиш" терминларининг маъносига эътибор беришимиз зарур. "Эгаллаш" - бу тазйик; билан ҳукмронлик қилиб бирор нарсани

¹ Муаллифлар жамоаси. Мулк ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2006. 25-б.

қўлга киритишдир. Эски қонунчиликда бу сўз мулкдорнинг ҳуқуқларидан бири ўрнида ишлатилган эди. Ўша даврларда юридик адабиётларда ҳам шу сўз ишлатилган.

"Эгаллаш" сўзини мулк эгасининг ҳуқуқларидан бири сифатида, қўллаш бу ҳуқуқнинг моҳиятини тўғри ёритмайди. "Эгалик қилиш" сўзи бирор бир нарсани (мол-мулкни қўлида ушлаб туриш, сақлаш маъносини беради. Шунинг учун "эгаллаш" сўзи ўрнига "эгалик қилиш" сўзи ўринлироқдир.

Юқоридагиларга асосланиб, эгалик қилиш ҳуқуқи шахсларнинг мол-мулкни ўз қўлларида ушлаб туриш имконияти бўлиб, уни ўз хўжалиги ҳисобига киритади. Бу тушунчани кенг маънода берилган бўлиб, у мулкдорнинг эгалик қилиш ҳуқуқини тўлиқ очиб беради. Бу биринчидан, қонун томонидан берилган имкониятлар қайси мол-мулклар шахс эгалигида бўлиши мумкинлигини белгилайди; иккинчидан, шу мол-мулклар шахснинг қўлида эканлигини кўрсатиб, бошқа шахслар унга нисбатан бегона сифатида туриши зарур.

Мулк ҳуқуқи мазмунининг элементи ҳисобланган фойдаланиш ҳуқуқи доираси бугунги кунда кенгайди. Илгариги қонунларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларидан фойдаланишда ёлланма меҳнатни қўллашга рухсат берилмаган бўлса, ҳозирги амалдаги қонунчиликда фуқаролар ўзларининг хусусий мулк ҳуқуқидан фойдаланишда ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкинлиги, ҳатто ёлланма ишчи кучини жалб этишга рухсат этилиши кўрсатилган.

Фуқаролар хусусий мулкларидан бевосита ўзлари ёки бошқа шахсларга бериб қўйиш билан фойдаланиши мумкин. Улар бу ҳуқуққа асосан ўз мол-мулклари асосида хусусий корхоналар ташкил этиши ҳам мумкин. У корхона муассиснинг мулкидан юридик шахс сифатида фойдаланади ва унга шартномада кўрсатилган миқдорда олинган фойдадан фоиз тўлаб туради.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқидан фойдаланишда мол-мулкни гаровга қўйиши, ижарага бериши ва бошқа йўллар билан унинг фойдали хусусиятларини олиши мумкин. Бунда мол-мулк эгаси бўлмаган шахс фойдаланишида бўлади.

Қонунда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқаро хусусий мулкидан хоҳлаган тартибда, фақат атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт билан, фойда олишни кўзлаб, мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойдаланиши кўрсатилган.

Шуни айтиш керакки, мулкдор нафақат мулкий манфаатдорликни ўйлаши керак, балки манфаатдорликнинг иккинчи томони бўлган мол-мулкни сақлаш вазифасига ҳам эътибор бермоғи зарур. У мулкни асраш ва таъмирлаш, давлат солиғини тўлаш, хўжалик юритишда унга етказилган зарарларни қоплаш учун қилинадиган сарф-ҳаражатлардан иборат¹. У ўз навбатида қонунларда мужассамланиши зарур.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг асосий хусусиятларидан бири мол-мулкдан фойдаланишда даромад (фойда) олишдир. Мулкдан фойдаланиш тартиби тўлиқ мулкдорнинг эрк-иродасига боғлиқдир.

Ушбулардан келиб чиқиб, фойдаланиш ҳуқуқи - қонунга асосланиб, мулк эгасининг эрк-иродаси билан мол-мулк имконияти даражасида эксплуатация қилиб, унинг фойдали хусусиятларини ҳамда ундан даромад ва ҳосил олиш тушунилади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи мазмунини асосий элементларидан бири - тасарруф этиш ҳуқуқидир. Тасарруф этиш ҳуқуқи деб одатда мулкдорнинг ашёни юридик тақдирини белгилаш имконияти тушунилади. Бунда мулк эгасининг мулкни тасарруф этишдаги ҳуқуқ доираси тўлиқ кўрсатилмасида унга тўғри тушунча берилган. Тасарруф этиш ҳуқуқининг мазмуни фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи мазмуни билан боғлиқ бўлиб, мол-мулкдан мулкдорнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун

¹ Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. –М.: Юр.лит. 1991. -10 с.

фойдаланилади. Шунинг учун тасарруф ҳуқуқи фойдаланиш ҳуқуқи билан кўи жиҳатдан ўзаро боғлангандир¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорнинг ўз ихтиёрига кўра мол-мулкнинг юридик тақдирини белгилаш имконияти бўлиб, у соқит қилиш, ташлаб юбориш ва бошқа усулларда амалга оширилади.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг ҳуқуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулкдаги улушга нисбатан бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Бинобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, чунончи ўз улушини агар қонун ёки устав (низом)да бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ўзга шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди².

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давомида бундай мулкнинг эгалари ўртасида бўлган низолар умумий мулк иштирокчиларининг ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулк эгалари ўз ихтиёрида бўлган мулкни ҳаммаларининг розилиги билан эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар. Агар умумий шерик мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида ўзаро келиша олмасалар, бундай масала шерик эгаларнинг ҳар қайсиси даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси умумий мулк юзасидан бўлган солиқ, йиғим ва бошқа тўловларни тўлашда, шунингдек уни бошқариш ва сақлаш ҳаражатларида ўз ҳиссасига яраша қатнашишга мажбур.

Умумий мулкни сақлаш ёки умумий мажбуриятни бажариш юзасидан ҳаражатлар қилган бошқа шерикларидан ўзининг қилган чиқимларини ҳар бирининг ҳиссасига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

ФКнинг 221-моддасида айтилганидек, уни бошқариш ва сақлаш ҳаражатларида ўз ҳиссасига яраша қатнашишга мажбур.

ФКнинг 218-моддасида айтилганидек, умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси ўз улушини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Бунда улушни ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиш назарда тутилади. Умумий мулкнинг шериклари ташкилот бўлган тақдирда, улар ўз улушларини бировга ҳақ бараварига ўтказади, кўпинча уни сотади. Фуқаролар эса, ўз улушларини ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиши чунончи, сотиши, ҳадя этиши, шунингдек васият қилиб қолдириши мумкин.

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотилаётган нархда ва бошқа тенг шартларда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқига эгадир. Ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФКнинг 224-моддаси).

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида бошқа мол-мулкка нисбатан эса ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Давлат, кооператив ёки бошқа юридик шахс уй-жойга нисбатан бўлган умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини сотган тақдирда уй-жойнинг ана шу улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ уйнинг шу қисмида яшовчи шахсларга берилади, улар сотиб олишни

¹ Муаллифлар жамоаси. Мулк ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2006. 26-б.

² Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. Қайта ишланган ва тўлидирилган. –Т.: ТДЮИ. 2006 й, 250-б.

хоҳламаганлари ёки бу ҳуқуқни амалга оширмаганларида эса улушни сотиб олиш ҳуқуқи умумий мулкнинг қолган шерикларига ўтади.

Агар улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузилиб сотилса, умумий улушли мулкнинг бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкин. Аммо бу ҳуқуқ ва мажбурият мулкни олиб-сотишда белгиланган нарҳини ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш шarti билангина унга ўтказилиши мумкин.

Агар мулк олувчи улушни сотиб олиш тўғрисида розилик берган бўлса-ю, лекин у нотариал идорага келишдан бош тортса, нотариус сотувчининг танлаши бўйича бошқа шахс билан шартномани расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Умумий мулк бўлган уйдан тегишли улуш соқит қилинишида, масалан, сотилишида, уйга бўлган улушлар реал (натура шаклида) кўрсатилмай, балки арифметик улушларда белгиланади. Аммо шу билан бирга сотувчи фойдаланиш учун қайси квартира ёки хонанинг ўтишини кўрсатиши мумкин. Агар умумий улушли мулк бўлган турар жой иштирокчилари ўртасида уйнинг айрим хоналаридан фойдаланиш тўғрисида олдиндан келишилган бўлса, бундай келишиш ҳам нотариус томонидан тасдиқланиши мумкин.

Улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузиб сотилгани ҳолда умумий улушли мулкка бўлган бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида қоидалар кенг маънода жорий қилинмайди, чунончи, турар-жойни ҳадя ва васият қилиш ҳолларида қўлланилмайди.

ФКнинг 223-моддасида кўрсатилганидек, умумий улушли мулк иштирокчиси ўз улушини умумий мол-мулкдан беришни талаб қилишга ҳақлидир. Унинг бу ҳуқуқи умумий мулкдаги улушни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқидан келиб чиқади.

Улушни ажратишнинг асосий усули, мулкнинг хўжалик тайинланишига зарар етказмаслик шarti билан ундан асл ҳолида улуш ажратишдан иштирокчилар ўзаро келиша олмасалар суд, ёки низони ҳал қилувчи орган умумий мулкдан қандай ашёлар асл ҳолида ажратилишини, масалан, шериклик асосида олинган ҳосилнинг қандай тақсимланишини белгилайди.

II боб. Хусусий мулкнинг бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

2.1. Бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий мулк объектлари доираси ҳам табиий равишда кенгайиб боради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг қонуний асосларини белгилаб берди. Унда мулк шакллари ҳам аниқлик киритилди. Жумладан, фуқароларнинг мулки “хусусий мулк” деб белгиланиши диққатга сазовордир. Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг хатти ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мулк ташкил топмасдан туриб, бозор муносабатларига ўтиш ҳақида ҳар қандай фикрлар хом ҳаёлдир¹. Мамлакатимизда хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар, у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларни ишлаб чиқишда бир қанча мураккаб муаммоларни тўғри ва изчил ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, Ўзбекистон кучли ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришни, бозор муносабатлари орқали мустаҳкам моддий заминни шакллантиришни ва ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтиришни мақсад қилди. Шубҳасиз, “бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шarti кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат”² эди. “Шу сабабли иқтисодий ислохотлар биринчи босқичи-нинг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизимини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат”³ бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» деб кўрсатилган (53-модда, 2-қисм). Хусусий мулкнинг Асосий қонунда мустаҳкамланиши, унинг иқтисодий бозор муносабатларида ҳуқуқий тартибга солинишини белгилайди ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Хусусий мулк ҳақида жуда кўплаб цивилист олимлар тадқиқот олиб борганлар. Шу ўринда хусусий мулк ўзи нима? – деган савол туғилиши табиий ҳолдир. Амалдаги фуқаролик қонунчилигига таянган ҳолда, хусусий мулк хусусий шахсларга тегишли бўлган, ҳар хил асосларда ўзлаштириладиган мол-мулклар деб тушуниш мумкин бўлади.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар ва нодавлат юридик шахслардир (хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фонд кабилар).

Моддий бойликларни якка тартибда ўзлаштириш ҳар хил иқтисодий муносабатлар натижасида амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, ишлаб чиқариш натижасида, яъни ўзининг ёки ширкат эгаллигидаги ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш (ўзлаштириш): иккинчидан, мулкдорнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмасдан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда ёлланма меҳнатни жалб этиш натижасида ишлаб чиқарилган

¹ Раҳмонкулов Х. Р. Ишонов Б. А. Фуқаролик ҳолатининг янги талқини.//Халқ сўзи. 1993 йил 25 ноябр.

² Қаримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -45 б.

³ Ўша асарда, 45-46-бетлар.

махсулотларини ўзлаш-тириши; учинчидан, тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш жараёнида ўзлаштириш¹ хусусий мулкнинг иқтисодий мазмунини беради.

Хусусий мулк ҳуқуқи ҳақида баъзи олимлар- хусусий мулк бу даромад олиш мақсадида ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир дейишса, бошқа бирлари хусусий мулк-бу ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий шахсларга тегишли бўлишлигидир деб кўрсатади. А.С.Пашков, Е.А.Суханов ва бошқаларнинг фикрича хусусий мулк ҳуқуқида ёлланма меҳнат ҳам ўз аксини топиши зарур².

Хусусий мулкнинг тарихий моҳиятидан ва ҳозирги жаҳон мамлакатларида бўлган хусусий мулк тушунчаларидан келиб чиқиб, уларнинг ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда уни қонун-чилигимизга жорий этдик. Шуларни ҳисобга олиб хусусий мулк ҳуқуқи деб – хусусий шахснинг (мулк эгасининг) ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва ёлланма меҳнатни қўллашда иштирок этиши ҳамда бошқа асосларда вужудга келадиган мол-мулк муносабат-ларини тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Бу хусусий мулк ҳуқуқининг объектив маъносини беради. Ушбу таъриф хусусий мулк билан боғлиқ бўлган ҳамма муносабатларни ўз ичига камраб олиб, уларни ҳуқуқ нормаларида мужассамланганини белгилаб беради. Хусусий мулк эгаси ўз ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиши мумкин, яъни мулкдор ишлаб чиқаришда жисмонан қатнашиб, у ёки бу ҳаракатни амалга оширади. Бу унинг ишчи, техник, ходим мутахассис ва бошқа ходимлардан бири бўлиб иштирок этишида кўринади. Мулкдорнинг билвосита яъни ёлланма меҳнатни жалб этиш билан ишлаб чиқаришда қатнашиши деганда, ўз ишлаб чиқаришига ўзга шахслар билан шартнома ёки келишув асосида ёлланма ишчи кучини жалб этишди, у ёки бу воситалар билан иштирок этиши тушунилиб, у мулк эгасининг ишлаб чиқаришни ташкил қилишида, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эгалигида ҳар хил моддий маблағлар билан иштирокида кўринади.

Хусусий мулкнинг бошқа ҳуқуқий асосларда вужудга келиши деганда фуқаронинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишидан, мерос олиш натижасида ҳар хил битимлар тузиш асосида ва бошқа қонун йўл қўйган асосларда вужудга келадиган мол-мулклар тушунилади. Бу мулк муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқ нормаларида мужассамланган бўлиб, улар хусусий мулк ҳуқуқини ташкил этади.

К.А.Улыбкиннинг таъкидлашича, хусусий мулк ҳар бир фуқарога юқори даражада хусусий тадбиркорлик имкониятини амалга оширишни, ўзида мустақиллик, тиришқоқлик, таваккал-чиликни намоён этиши зарур. Булар хусусий мулкнинг асосий ривожланиш белгилари бўлиб, уларсиз тараққиёт ҳам бўлмайди³.

Шунинг учун фуқаролар ўзларининг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, хусусий мулк ривожланишини амалда кўрсат-моқда. Шунингдек хусусий мулк инсонларда иқтисодий фаоллик, кучли қизиқиш ва қатъий жавобгарлик ҳиссини уйғотиш хусусиятига эгадир. У иқтисодий ҳаётни ривожлантиришнинг муҳим элементи бўлиб, боқимандалик ва истеъмол ҳолатларига чек қўяди. У хусусий мулк эгасидан тўғри ҳисоб-китоб қилишни, жонбозлик кўрсатишни, эртанги кун учун жон куйдиришни талаб қилади.

Ҳар бир инсон дунёга келиши билан баъзи ҳолларда она қорнидан бошлаб хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлади ва вафот этгунга қадар бу ҳуқуқ ундан ажралмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республи-каси Конституциясида (36-модда), Фуқаролик кодексида (577-модда) ва бошқа қонун ҳужжатларида кўрсатилиши ҳам буни тасдиқлайди.

Ҳозирги индивидуал мулк шакллариининг тараққиёти - хусусий мулк билан характерланади. Бунда ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мулк муносабатларнинг туб моҳиятини очиб беради. Хусусий мулкни юридик шаклсиз тасаввур

¹ Суханов Е. А. Лекции о праве собственности. –М.: Юридлит. 1991. -134 с.

² Пашков А. С. Собственность и труд: правовые аспекты взаимодействия.//Государство и право. 1991. №11. 19-28 с.

³ Улыбкин К. А. Социалистическая собственность без иллюзий и догм. –М.: Высшая школа. 1990. -60 с.

этиш қийин. Хусусий мулкда муайян мол-мулкнинг қатъий кимга тегишлилигини, бошқа ҳеч кимга тегишли эмаслигини ҳуқуқий таъминлаш зарурдир. Шунинг учун биринчи навбатда мол-мулкнинг мулк эгасига қатъий тегишлилигини ҳуқуқий мустаҳкамлаш зарур. Агар бу қонунларда кўрсатилмаса бирор низо вужудга келса, уни ҳал этиш мумкин бўлмайди. Агар бу ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топса, мулкдорнинг ихтиёридан ташқари бирон йўл билан улар қўлидан кетганда уни талаб қилиб қайтариб олишга ҳақли бўлади. Бундай ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши хусусий рим ҳуқуқида дастлаб ўз аксини топган эди. Унда биринчи навбатда мулкдорнинг ашёвий ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиш мутлақ характерга эга эди¹.

Фуқаролар хусусий мулкларидан бевосита ўзлари ёки бошқа шахсларга бериб қўйиш билан фойдаланиши мумкин. Улар бу ҳуқуққа асосан ўз мол-мулклари асосида хусусий корхоналар ташкил этиши ҳам мумкин. У корхона муассиснинг мулкидан юридик шахс сифатида фойдаланади ва унга шартномада кўрсатилган миқдорда олинган фойдадан фоиз тўлаб туради.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқидан фойдаланишда мол-мулкни гаровга қўйиши, ижарага бериши ва бошқа йўллар билан унинг фойдали хусусиятларини олиши мумкин. Бунда мол-мулк эгаси бўлмаган шахс фойдаланишида бўлади.

Қонунда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқаро хусусий мулкдан хоҳлаган тартибда, фақат атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт билан, фойда олишни кўзлаб, мулккий жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойдаланиши кўрсатилган.

2.2. Хусусий мулкнинг бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳар бир фуқаролик ҳуқуқи субъекти фуқаролик ҳуқуқи объектларига нисбатан муайян ҳуқуқларга эга бўлишига потенциал имкониятлар мавжуд. Хусусий мулк объектларига нисбатан ҳам худди шундай деб айтиш мумкин. Кенг маънода олганда фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектларига муайян фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мазмунига қараб хусусий мулк объектларига нисбатан ҳатто мулкдор бўлмаган тақдирда ҳам турли ваколатларга (масалан, ижара ҳуқуқи, текин фойдаланиш, сервитут ва ҳ.к.) эга бўлиши мумкин. Бироқ фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари хусусий мулк объектларига нисбатан мулкдор сифатида намоён бўла олмайди. Масалан, оммавий-ҳуқуқий тузилмалар, шу жумладан давлат ҳеч қачон хусусий мулк объектига нисбатан мулкдор бўла олмайди. Аниқроғи, агар давлат муайян мол-мулкка нисбатан мулкдор бўлса, у ҳолда ушбу мол-мулк хусусий эмас, оммавий мол-мулк бўлиб ҳисобланади. Худди шу сабабли ҳам, ФКнинг 208-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, хусусий мулк объектларига нисбатан мулкдор сифатидаги ваколатларга қуйидагилар эга деб айтиш мумкин:

- фуқаролар;
- хўжалик жамиятлари ва ширкатлари;
- кооперативлар (ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари);
- жамоат бирлашмалари;
- ижтимоий фондлар;
- давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар.

¹Новицкий И. Б. Римское частное право. –М.: 1949. -16-17 с.

Хусусий мулк ҳуқуқи В.Эргашевнинг фикрича “Хусусий мулкдорнинг ашё ёки бошқа моддий ва номоддий неъматлар устидан давлат томонидан кафолатланган ва жамият манфаатлари йўлида чегараланган ҳукмронлигидир”¹. Ушбу ҳукмронлик муайян ҳуқуқ сифатида баҳоланар экан, у ҳам ўз навбатида муайян таркибий қисмларга бўлиниб кетиши табиий. Ҳар қандай субъектив ҳуқуқ (муайян ашёга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи субъектив ҳуқуқ ҳисобланади) ҳуқуқ эгасига муайян хатти ҳаракатларни содир этиш, неъматдан баҳраманд бўлиш, ўз манфаатларини қаноатлантириш ваколатини, имкониятини беради. Шу маънода олганда ҳуқуқ - бу муайян ваколатлар мажмуи сифатида баҳоланиши мумкин.

Хусусий мулк ҳуқуқи бўйича мулкдор ваколатлари қонунларда аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу ваколатлар қуйидаги асослардан вужудга келади:

- а) мулкдорнинг умумий ваколатларини белгиловчи нормалардан;
- б) хусусий мулкдор ваколатларини белгиловчи нормалардан;
- в) хусусий мулк ҳуқуқининг айрим объектларига нисбатан ваколатларни белгиловчи нормалардан;

Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик керакки, айрим хусусий мулк ҳуқуқи субъектларини ўз ваколатларини амалга ошириш хусусиятларини белгиловчи асослар ва тартиб ҳам мавжуд (масалан, акциядорлик жамиятида ваколатларни бошқарувчи АЖ органлари).

Мулкдор ваколатлари ва хусусий мулкдор ваколатлари ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд эмас. Мулкдор ваколатлари Конституциямизнинг 54-моддасида, ФК нинг 164-моддасида, хусусий мулкдор ваколатлари эса ФК нинг 207-моддасида белгилаб қўйилган. Агар уларни қиёсий таҳлил этсак, у ҳолда Конституциянинг 54-моддаси ва ФК нинг 207-моддасига нисбатан ФК нинг 164-моддси ниҳоятда кенг мазмунли эканлигини кўриш мумкин.

Худди шу сабабли ҳам хусусий мулкдор ваколатларини мулк ҳуқуқини умумий конструкциясини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирча юридик шахсларни мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга оширганида “ўз манфаатларидан” келиб чиқиши, бу манфаатларни қай даражада англаб етиши, уларни юридик изҳор қилиш шакллари мулк ҳуқуқи назариясида етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган. Тўғри, шунга ўхшаш муаммолар фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи бўлган корпоратив ҳуқуқда маълум даражада изланишлар предмети сифатида қаралмоқда². Бироқ, бунда муаммо мулк ҳуқуқини амалга ошириш масаласи орқали эмас, балки корпоратив бошқарувни оптимал моделларини топиш муаммолари нуқтаи назаридан қўйилган. Шу сабабли ҳам мулк ҳуқуқи назариясида ушбу янги муаммога алоҳида эътибор бериш масаласини қўйиш ўринли бўлур эди. Ҳозирги вақтда суд амалиётида мулк ҳуқуқи тушунчаси таркибига кирувчи ушбу хусусият беъэътибор қолдирилмоқда. Амалиётда мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни содир этиши мумкин деган аксиомадан келиб чиқилмоқда деб айтиш мумкин. Бироқ келгусида мулкдор ўз ваколатларини амалга оширишда “ўз манфаатларидан келиб чиқиши” тўғрисидаги новелла ҳуқуқий тартибга солишда муайян оқибат вужудга келтириш эҳтимоли йўқ эмас. Айниқса хусусий мулк ҳуқуқида бу масала долзарб аҳамият касб этишини башорат қилиш мумкин.

ФКнинг 164-моддасида мулкдор ўз ваколатларини ўз ҳохишига кўра амалга ошириши кўрсатилади. Мулкдор ваколатларини амалга оширишда мотивация (сабаблантириш) мулк ҳуқуқи субъектида ҳоҳиш, истакни келтириб чиқаради. Демак, мулкдорни ўз манфаатини англаб етиши унда ҳоҳишни вужудга келтиради ва у томонидан

¹Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келишва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. /Номзодлик диссертацияси автореферати/ Тошкент, 2005й., 6-б.

²Масалан, С.Ғуломов АЖ да йирик ва майда акциядорлар, АЖ менежерлари ва акциядорлар ўртасидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этишни ҳуқуқий воситалари тўғрисидаги масалаларни тадқиқ этган. Гулямов С. Корпоративное право. –Т.: ТГЮИ. 2004.

муайян мақсадли ҳаракатлар содир этиш, ваколатларни амалга ошириш бошланади. Ҳар қандай субъект, ҳатто импульсив ҳаракатлар содир этадиган фуқарода ҳам, агар бу ҳаракатлар мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса жараёнлар юқоридаги кетма-кетликда (манфаатни англаш - хоҳишни вужудга келтириш - ҳаракатлар содир этиш) содир бўлади.

Бу ўринда хоҳиш ўзи нима, у ўзига хос рухий-иродавий ҳолат сифатида кечадиган кечинмами, унинг ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлиши ва ҳуқуқий баҳоланиш хусусиятлари мавжудми деган савол туғилиши табиий. Субъектнинг хоҳиши, яъни у ўзи ҳоҳлаб, мақсад қўйиб ҳаракат содир этиши, агар ушбу ҳаракат ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланса жиноят ҳуқуқида, маъмурий ҳуқуқда ва ҳатто фуқаролик ҳуқуқида ҳам қасддан қилинган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади ва бу ҳолат айбни энг оғир шакли, кучайтирилган жавобгарлик чорасини кўриш учун асос сифатида баҳоланади¹. Бироқ мулкдорнинг ўз ваколатларини ўз хоҳиши билан амалга ошириши нормал, кундалик, одатдаги ҳуқуқий муносабатларда содир бўлади. Бу ҳуқуқбузарлик ёхуд ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат эмас, уни салбий баҳолаш учун ҳеч қандай асос йўқ. Аксинча, қонун мулкдор ваколатларини ўз хоҳиши билан амалга оширишни белгилаб, унга легал ҳолат, мақом бермоқда (ҳудди “ўз манфаати” каби). Нима учун қонун чиқарувчи мулк ҳуқуқи тушунчасини белгилашда бунга урғу бермоқда деган савол туғилиши ҳам мумкин. ФКнинг 9-моддаси 1-қисмида фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар деб белгилаб қўйилган.

Бинобарин, фуқаролик қонунларида юридик шахс номидан ким ҳаракат қилишга ваколатли бўлса, унинг хоҳиши юридик шахснинг “ўз хоҳиши” сифатида кўрилиши лозим. Баъзи ҳолларда бир юридик шахснинг ўзида мулкӣ ҳуқуқларни тасарруф қилиш бир неча тузилмалар ўртасида тақсимлаб, чегаралаб қўйилган (масалан, АЖда оддий битимларни АЖ бошқаруви раиси тузади, йирик битимларни АЖ кузатув кенгаши тузади, жуда йирик миқдорлардаги битимларни эса АЖ умумий йиғилишигина тузишга ҳақли).

В.Эргашев мулкдор ваколатлари триадаси (учлиги) мулкдорнинг мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларини тўлиқ ҳажмини ва моҳиятини ифода этмайди, шу сабабли ҳам “ўз хоҳиши” билан ва “ўз манфаатларини кўзлаб” категориялари айнан мулкдор билан мулкдор бўлмаган шахсларнинг мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқларини фарқлашга хизмат қилади ва мулк ҳуқуқининг мутлақ муносабат эканлигини исбот этиб, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тўла мустақил эканлигини англатади деб кўрсатади². Айни вақтда шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, баъзи цивилист олимлар мутлоқ муносабатлар доирасини кенгроқ олади. Масалан, Р.Рўзиев ижарачини ижарага олинган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари ҳам мутлақ, у ҳатто мулкдорга нисбатан ҳам талаб қўя олади (ижарага олинган мол-мулкни ўзига берилишини талаб қилиш, ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланишга тўсқинлик қилмасликни талаб қилиш). Бу ҳолда мулкдор ва мулкдор бўлмаган субъектларни мутлақлик ҳолати анча мураккаблашади. Р.Рўзиев фикр-мулоҳазасини чуқур таҳлил этиш масаласини қўймаган ҳолда айтиш мумкинки, мулкдор ҳуқуқлари ҳар доим бирламчи, шартномавий асосда мол-мулк олувчи ҳуқуқлари иккиламчи характерга эга. Демак, мулкдор ҳуқуқларини мутлақлик даражаси ҳар доим юқориқдир.

Бироқ “ўз манфаатларини кўзлаб” ва “ўз хоҳиши билан” категориялари мазмуни аҳамиятини жуда ҳам ошириб юбориш ноўрин. Аслини олганда фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатлар иштирокчилари бу муносабатларда ўз манфаатларини кўзлаб ва ўз ихтиёрлари, хоҳишлари билан иштирок этишлари ҳаммага маълум оддий ҳақиқат ва аксиомадир. Ушбу ҳолатлардан ҳар қандай чекинишлар муайян ҳуқуқӣ

¹Бу ўрнда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, баъзи жиноят таркибларида ҳуқуқбузарни манфаат кўзлаб ҳаракат қилиш, мотивацияси қилмишни баҳолашда жиддий аҳамиятга эга.

²Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиш ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 11-б.

окибатлар вужудга келтиради ва субъект ҳуқуқларини бузиш сифатида баҳоланади. Шу маънода олганда ФКнинг 164-моддасида юқоридаги категориялар эслатма, таъкид функцияларини кўпроқ бажариши тўғрисида тасаввур туғилади. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида улардан самарали фойдаланиш усуллари ва воситалари ишлаб чиқилса, мулк ҳуқуқи ва айниқса хусусий мулк ҳуқуқи нормаларини такомиллаштиришда уларни қўллаш хусусиятлари ва мазмуни янада чуқурлаштирилсагина “ўз хохиши билан”, “ўз манфаатларини кўзлаб” деган иборалар мулк ҳуқуқида янги сифат ўзгаришларига сабаб бўлиши тўғрисида гапириш мумкин.

Мулкдор ваколатларини тизимида мол-мулкни эгаллаш ҳуқуқи марказий ўринни эгаллайди. Эгаллаш ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра мулкдорга бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириш имконини беради.

Якка тадбиркорлар ва юридик шахслар ўз пул маблағларини ўзларини фактик эгалигида сақлаш имкониятлари чегараланган. Пул маблағларини инкассация қилиш, яъни банкка сақлаш учун топшириш мажбурияти белгилаб қўйилган. Айниқса савдо ташкилотлари бу мажбуриятни қатъий бажаришлари, кундалик савдо тушумларини тегишли банкларга сақлаш учун топширишлари лозим. Бу пул маблағларини муомиласини назорат қилиш, даромадларни яшириб қолишни олдини олиш, инфляцияни жиловлаш мақсадларига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам якка тадбиркорлар ва юридик шахслар банк ҳисобварағи шартномаси, нақд пул билан ишловчи субъектлар инкассация хизмати кўрсатиш шартномаси тузишлари шарт. Бироқ бу ҳолатни муайян салбий жиҳатлари ҳам маълум. Баъзи тадбиркорлик субъектлари ўзларига хизмат қилувчи банклардан нақд пулларини олиш имкониятлари чегараланган. Бу эса уларни нақд пул маблағларига нисбатан мулкдор сифатидаги ваколатларини амалга ошириш имкониятларини тўлақонли ва ўз вақтида содир бўлишга тўсқинлик қилмоқда. Албатта, пул муомиласи устидан, солиқларни тўланиши устидан давлат назорати зарур. Бироқ бундай давлат назорати мулк ҳуқуқини чеклаш, мулкдор ваколатларини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Тадбиркорлик субъектларига ўз пул маблағларини эркин фактик эгалик қилиш имкониятлари берилиши мақсадга мувофиқдир.

Мулкдорнинг навбатдаги ваколоти ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланиш ҳисобланади. Мол-мулкдан фойдаланиш-мулк ҳуқуқининг пировард мақсадидир. Мол-мулк ҳам, мулк ҳуқуқи ҳам ўз-ўзича аҳамиятга эга эмас, агар мулкдорга, инсониятга унинг фойдали хусусиятлари, муайян манфаатини қаноатлантириш хоссаси бўлмаса. Мулкдорни мол-мулкдан фойдаланиш ваколоти мазмуни бўйича ҳам адабиётларда жуда кўп фикр-мулоҳазалар мавжуд. В.Эргашев мулкдорни мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ашёдан ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол жараёнида унинг фойдали хусусиятларини, яъни ундан ҳосил, маҳсулот, даромад олишликнинг юридик таъминланган имкониятидир¹ деб ҳисоблайди.

Мулкдорнинг ўз мол-мулкига нисбатан учинчи ваколоти бўлиб мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи ҳисобланади. Мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорнинг ўз хохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб ашёнинг тақдирини белгилашнинг юридик таъминланган имконияти бўлиб, ашёга нисбатан турли хил юридик актларни содир этиш орқали амалга оширилади².

Мулкдор томонидан мол-мулкни тасарруф этиш бўйича юридик ҳатти-ҳаракатларни окибатлари бўйича қуйидагича туркумлаш мумкин:

а) мулкдор томонидан мулк ҳуқуқини ўзидан бегоналаштириш бўйича ҳаракатлар (сотиш, ҳадя, рента, ҳайр-эҳсон ва бошқа шу каби шартномалар ва битимлар тузиш орқали);

¹Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келишва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 20-б.

²Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келишва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 20-б.

б) мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган ҳолда мол-мулкни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш (масалан, ижарага бериш);

в) мол-мулкни қайта ишлаш, уни бошқа турдаги мол-мулкка ўзгартириш (масалан, боғ ёки томорқа ўрнига турар-жой бинолари қуриш ёхуд аксинча);

г) мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш.

Фуқароларни ўз хусусий мол-мулкларини тасарруф этиш тартиби нисбатан содда бўлиб у мулкдор томонида тез ва осон амалга оширилади ва бунда муайян юридик расмийликларга риоя этиш талаб этилмайди (кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва шу кабилар бундан мустасно).

Хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган хусусий мулк объектларини тасарруф этишнинг муайян юридик процедуралари мавжуд. Бунда энг аввало, юридик шахснинг тегишли ваколатли органи бу ҳақда қарор қилади, у қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилади, бухгалтерия ва молия ҳужжатларида расмийлаштирилади. Ушбу тартибни бузилиши мол-мулкни тасарруф этиш бўйича юридик ҳаракатларни ҳақиқий саналмаслигига ёки бекор қилинишига сабаб бўлади. Шунга қарамасдан хусусий мулк объектларини тасарруф қилиш тартиби оммавий мулк объектларига нисбатан соддарок деб айтиш мумкин.

Хусусий корхона ва унинг бир кўриниши бўлган фермер хўжалиги мол-мулки асосида якка шахснинг мол-мулки ётади. Тўғри, “Хусусий корхона тўғриси”даги Қонуннинг 12-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига асосан устав фондини шакллантиришда хусусий корхона мулкдори (фермер) ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни барча мулкдорларни нотариал тасдиқланган розилиги асосида устав фондига киритиши мумкин. Бироқ, “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунда (14-модда) хусусий корхона якка бошқарилиши, хусусий корхона раҳбари корхона мол-мулкни якка ўзи тасарруф этиши белгиланган.

Тўлиқ ширкатда унинг мол-мулкни тасарруф этиш тўлиқ ширкатнинг умумий йиғилиши, ижро органи (агарда таъсис шартномасида уни ташкил этиш назарда тутилган бўлса) ёхуд тўлиқ ширкатнинг айрим иштирокчилари томонидан (бошқа иштирокчилар томонидан берилган ишончнома асосида) амалга оширилади. Бу “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18, 19-моддалари умумий мазмунида ўз ифодасини топган.

Коммандит ширкатда ҳам юқоридаги тартибда, коммандит ширкатнинг тўлиқ шериклари томонидан унинг мол-мулкни бошқариш амалга оширилади. Коммандит иштирокчи ушбу жараёнда иштирок этишга ҳақли эмас (“Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 29-30-моддалари).

Умуман олганда хўжалик ширкатлари мол-мулкни бошқариш тартиби аниқ белгилаб қўйилмаган. Бинобарин, бу соҳада қонунларни такомиллаштириш соҳасида муайян имкониятлар мавжуд.

- Масъулияти чекланган жамият мол-мулкни тасарруф этишнинг тартиби унинг иштирокчилари таркибига боғлиқ. Агарда МЧЖ якка иштирокчи томонидан ташкил этилган ва бошқариладиган бўлса, МЧЖ мол-мулкни тасарруф этиш тартиби ташқи жиҳатдан хусусий корхона мол-мулкни тасарруф этиш тартибидан фарқ қилмайди.

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасида тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар билан боғлиқ мол-мулклар МЧЖ умумий йиғилиши томонидан тасарруф этилиши белгилаб қўйилган. Ушбу Қонуннинг 44-моддасига кўра йирик битимлар (жамият устав фондининг 25 фоизидан ортиқ қийматга эга битимлар) тегишли равишда МЧЖ умумий йиғилиши ёхуд кузатув кенгаши томонидан тузилади. Бошқа ҳолларда мол-мулк МЧЖ ижро органи томонидан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятида мол-мулкни тасарруф этиш тегишли равишда АЖ умумий йиғилиши, АЖ кузатув кенгаши ва ижро органи томонидан амалга оширилади. Улар ўртасида ваколатларни тақсимлаш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг 89-90-моддалари (АЖни мол-мулкни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар ва уни тузиш тартиби) 91-94-моддаларида тузилишдан манфаатдорлик бўлган битимлар орқали АЖ мол-мулкни тасарруф этиш ваколатига эга органлар ва тасарруф этиш тартиби белгилаб қўйилган.

Қонунларда айрим хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкни тасарруф қилиш тартиби ва бу ваколатлар турли органлар ўртасида бежиз тақсимлаб қўйилмаган. Бундай хўжалик юритувчи субъектларнинг:

- биринчидан, манфаатларини тўлақонли ва аниқ белгилаб олишга имкон беради;
- иккинчидан, тасарруф қилиш ваколати берилган орган хусусий мулкдор бўлган хўжалик юритувчи субъект хоши ва эркини ўзида кўпроқ ифода этади;
- учинчидан, бундай тартиб хўжалик юритувчи субъект мол-мулқидан самаралироқ фойдаланишни таъминлайди;
- тўртинчидан, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари фаолиятини бошқаришда корпоратив бошқариш тизимини жорий этишга хизмат қилади;

Афсуски ушбу нормалар амалиётда тўлақонли ишламаяпти. Кўп ҳолларда ижро органи раҳбари мол-мулкни тасарруф этиш масаласини, гарчи у бошқа коллегиял орган ваколатига берилган бўлса ҳам, яқка ўзи ҳал этади ва баённомаларни сохталаштиради. Акциядорларнинг барчаси ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланмайди.

Бошқа жиҳатдан олганда айрим маҳаллий давлат ҳокимият ва идора органлари томонидан хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкни тасарруф қилишга ғайриқонуний равишда ва ўзбошимчалик билан аралашуви ҳолатларига барҳам берилмаган. Кундалик ҳаётда бундан акциядорлик жамиятлари, фермер ва ширкат хўжаликлари кўп жабр кўрмоқдалар. Баъзи, туман ва шаҳар ҳокимликлари уларни ўзига бўйсунувчи тузилма сифатида қараш ҳоллари учрайди. Деярли барча хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий равишда хайрия фаолиятига жалб этилишдан жабр кўрмоқдалар деб айтиш мумкин.

Мулкдор шунингдек, ФКнинг 172-моддасида белгиланган мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартларига ҳам қатъий риоя қилиши талаб этилади.

III боб. Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва давлат мулкани бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.

3.1. Нодавлат, нотижорат ташкилотлар мулкани бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.

Нодавлат юридик шахслар мулк ҳуқуқининг моҳияти ва турлари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII бобида мамлакатимизда жамоат бирлашмаларининг эркин ва фаол ҳаракат қилишлари, уларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги иштирокини таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари яратилган. Конституциямизнинг ушбу боби нормаларига мос ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” ҳамда “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган.

Фуқаролик ҳуқуқи фанидан маълумки, юридик шахслар асосан тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган турларга бўлинади (ФКнинг 40-моддаси). Юридик шахсларнинг тижоратчи турлари муассисларнинг фойда олиш мақсадини кўзлаб тузилса, нотижорат турларида муассислар фойда олиш мақсадини кўзламайдилар.

Нотижорат ташкилотлари – фуқаролар ва (ёки) юридик шахсларнинг ихтиёрийлиги асосида ташкил этилган, ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида даромад (фойда) олишни кўзламайдиган, шунингдек олинган даромад (фойда)ни иштирокчилар ўртасидаги тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бормоқда. Сўнгги йилларда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари сони 3000 тадан ошди. “Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда”¹.

“Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамият манфаатлари уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи вазифани бажариши лозим”^{1[48]}.

Жамият ҳаёти иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларга ажралади. Сиёсий соҳа турли ижтимоий тоифа ва гуруҳлар, миллий бирликлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг ўз сиёсий фаолиятини амалга оширувчи макондир. Уларнинг фаолияти жамиятдаги ўрнатилган сиёсий муносабатлар асосида ўз сиёсий манфаатларини амалга оширишга қаратилади^{2[49]}.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 1998 йил 1 май қонунида берилган таърифга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади. Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, -384-б.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001, 10-11 б.

³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-том. Т.: Давлат илмий нашриёти. 2002, 543-б.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳам ҳақлидирлар. Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Шуниси эътиборлики, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналари, шунингдек хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳам ҳақли ҳисобланадилар.

Қонунга мувофиқ, диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги 2003 йил 29 август қонунида берилган таърифга кўра, “юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкӣ бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасида республика фондлари ҳамда маҳаллий фондлар ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Фонд муассисларнинг (муассиснинг) қарорига биноан ёки васиятнома бўйича ташкил этилиши мумкин. Бир ёки бир нечта юридик ва (ёки) жисмоний шахс фонд муассислари (муассиси) бўлиши мумкин.

Муассислар (муассис) ёки васият қилувчи томонидан фондга ўтказилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк жамоат фондининг мулки ҳисобланади.

Бинолар, иншоотлар, турар жойлар ва бошқа иморатлар, асбоб-ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозлар ҳамда ўзга мол-мулк фонднинг мулки бўлиши мумкин.

Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Фондни ташкил этиш учун зарур дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Энг муҳими, фонднинг мол-мулки муассислар ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан фақат фонд уставида белгиланган мақсадлар ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Шунингдек, фонднинг мол-мулкидан гаров ёки мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бошқа усули сифатида фойдаланилиши, шунингдек кредитлар бериш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Оила кодексининг 23-моддасига биноан “Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкни бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сон қарорида¹ кўрсатишича, “Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади.

Оила кодексининг 25-моддасига мувофиқ эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўзининг хусусий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги 14.04.1999 й.даги қонунининг 23-моддаси кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мол-мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақли.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисобварақда сақланади ҳамда белгиланган тартибда улар томонидан мустақил фойдаланилади ва бу маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмас. Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланилганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беради.

Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мулки. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилган. Уй-жой мулкдорларининг ширкатларини шакллантириш жараёни фаол давом этмоқда.

Ҳозирда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятида қатор жиддий камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника базаси, шу жумладан улар учун мўлжалланган хоналар, моддий ресурслар, асбоб-анжомлар билан таъминлашда уларга амалий кўмак ва ёрдам кўрсатиш, уйлар атрофидаги ер участкаларини қонун йўли билан бириктириб қўйиш, шунингдек зарур айланма маблағлар ажратиб бериш борасидаги ишларни ташкил этишга эътибор берилмаяпти. Оқибатда кўпгина уй-жой мулкдорларининг ширкатлари уй-жойларни жорий ҳамда капитал

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами.1991-1998., Т.: «Шарқ», 1999. 142-б.

таъмирдан чиқариш, ободонлаштириш ишларини ўз вақтида ўтказиш учун етарлича маблағга эга эмаслар.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралда “Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, уй-жой мулкдорларининг ширкатлари хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан ижарага топширилган мулкдан тушадиган даромадларидан 2007 йилга қадар бўлган даврда барча турдаги солиқлар ва бюджетга йиғимлар тўлашдан озод қилиниши, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ўз айланма маблағларини тўлдиришга, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой биноларини ҳамда уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштиришга йўналтирилиши белгиланди.

2006 йил 3 апрелда “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонунида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган. Уй-жой мулкдорларининг ширкати юридик шахс ҳисобланиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой мулкдорларининг уйдан фойдаланишни, унинг сақланишини биргаликда бошқариш ва таъминлаш, умумий фойдаланишдаги объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари тартибини аниқлаш, умумий мулкдаги мол-мулкнинг лозим даражадаги ҳолатини таъминлаш мақсадидаги бирлашмаси ҳисобланади.

Уй-жой мулкдорларининг ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, битта ёки яқин, зич жойлашган, умумий ер участкаси ва инфратузилма элементлари бир бўлган бир нечта уйда ёхуд уйнинг бошқа қисмларидан алоҳида кириш жойи бўлган, камида битта блок-секция ҳажмидаги мустақил қисмида турар жой мулкдорларидан камида ярмининг хоҳишига кўра, таъсис мажлисининг қарори билан ташкил этилади.

Уйнинг биттадан ортиқ мулкдорга хизмат кўрсатувчи умумий жойлари, квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтниги шахталари ва бошқа шахталар, дахлизлар, техник қаватлар, таянч ва тўсик конструкциялар, квартира ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника қурилмалари ва бошқа қурилмалар, бино атрофидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларини ҳам қамраб олган ер участкалари, шунингдек ширкат кўчмас мулкнинг ягона комплексида хизмат кўрсатишга ва уни сақлашга мўлжалланган бошқа мол-мулк ширкатдаги умумий мол-мулк ҳисобланади.

Ширкат аъзоси умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича харажатларда уйнинг умумий майдонидаги ўзига тегишли бўлган квартира майдони улушига мутаносиб тарзда иштирок этади. Мулкдор ўзига тегишли хоналардан фойдаланмаганлиги ёхуд умумий мол-мулкка эгалик қилишдан, ундан фойдаланишдан воз кечганлиги уни умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлашга доир умумий харажатларда иштирок этишдан бутунлай ёки қисман озод этиш учун асос бўлмайди.

Ширкатнинг кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари ҳамда ширкат уйлари атрофидаги ер участкаларида жойлашган, алоҳида турган объектларнинг мулкдорлари билан муносабатлари қонун ҳужжатлари билан ҳамда улар ўртасида тузилган битим билан тартибга солинади.

3.2. Давлат мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.

Иқтисодий маънода мулкнинг бир неча шакли бўлиши мумкин, юридик маънода эса фақат битта мулк ҳуқуқи мавжуд¹.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, дарҳақиқат, мавжуд ашёга ёки мол-мулкка битта мулк ҳуқуқи шакли мавжуд, яъни мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ҳуқуқлар мажмуи – мулк ҳуқуқининг ягона шаклини ташкил этади. Бироқ мулкнинг ягона шакли мавжуд бўлса-да, мулк ҳуқуқи тегишли бўлган субъектлар турли-тумандир. Булар фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган фуқаролар, юридик шахслар ва давлат (ФКнинг 2-моддаси 2-қисми) бўлиб, ана шу субъектларга тегишли мол-мулклар шартли равишда², хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларига бўлинган (ФКнинг 167-моддаси). Хусусий мулк ўз навбатида фуқаролар мулки ва нодавлат юридик шахслар мулкидан иборат бўлса, оммавий мулк (давлат мулки) Республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк) га бўлинади. Юридик шахслар бир вақтнинг ўзида фуқаролар томонидан ҳам, давлат томонидан ҳам ташкил этилиши ҳисобига уларнинг мулки юқоридаги икки мулк шаклига киритилади.

Умумий қоидага кўра, давлат мавжуд бўлишининг ва ўз функция ҳамда вазифаларини амалга оширишининг зарурий шартларидан бири - бу давлатнинг муайян миқдорда мол-мулкнинг бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат ҳар қандай жамият учун ҳосдир. Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби давлат ҳам муайян мол-мулк эгаси ҳисобланганлиги учун фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этилади.

Маълумки, жамиятдаги мавжуд моддий неъматларнинг тўғри тақсимланган-тақсимланмаганлигига қараб, жамият ва давлатнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади. Бу ҳол мамлакатнинг равнақида, аҳоли турмушининг фаровонлигини оширишда яққол кўзга ташланади. Зеро, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасида моддий неъматларнинг қай даражада бўлинганлиги энг муҳим омил саналади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, гарчи уларда хўжаликни марказлаштирилган бошқарувидан воз кечилганлиги умум эътироф этилган қоида ҳисобланса-да, давлат мулкнинг мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондларидаги улуши катта ҳисобланади. Бу ҳолат айниқса, транспорт ва алоқа, атом энергетикаси, ҳарбий-саноат соҳаларида яққол кўзга ташланади³.

Давлатда муайян даражадаги мол-мулкнинг мавжуд бўлиши бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Давлат мулки зарурлигининг объектив сабаблари эса қуйидагиларда кўринади:

- давлат органлари фаолиятини ташкил этиш;
- давлат хавфсизлиги ва муҳофаа;
- илм-фан ва маданиятни таъминлаш;
- кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;
- табиий офатларга ва фавқулодда ҳолатларга қарши кураш ва оқибатларни бартараф этиш;
- баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш (масалан, атом, ёнилғи энергияси ва ш.к.).

Ю.К.Толстойнинг фикрига кўра, давлатнинг мулки сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларнинг катта қисми сақланиб қолишини қуйидаги икки омил билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, кейинчалик нималар бўлишини олдиндан билиб бўлмайдиган дунёда ҳар бир давлат ўз хавфсизлигини ўйлаши керак. Бу нафақат ҳарбий соҳада, балки

¹Гражданское право: Учебник. 2-е изд. Отв. ред. Е. А. Суханов Т. 1. –М.: 1998. С. 475-484

²Мол-мулкни бошқариш ва унга нисбатан мулкый ҳуқуқларни амалга оширишда қулайлик туғдириш ҳамда мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик ҳолатларини аниқлаштириш мақсадида.

³Гражданское право. Учебник. 6 изд. Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю.К.Толстой Т. 1. -М.: Проспект. 2003. -465 с.

техноген, экологик, санитария-эпидемиология, ишлаб чиқариш, озиқ-овқат соҳасидаги ҳафвсизликдир.

Иккинчидан, давлат кенг миқёсдаги ижтимоий функцияларни ҳам бажарадики, бу вазифаларни бажаришда етарли даражада, моддий-техникавий ва молиявий база бўлиши зарур¹.

Ҳ.Р.Раҳмонкуловнинг фикрича, давлат мулки нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун, балки давлат ва унинг органларининг мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарурдир².

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишдир³.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш нафақат бир ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтганда кузатилади, балки доимий равишда амалга оширилиши лозим бўлган жараён ҳисобланади. Давлат иқтисодиётнинг кўпинча иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим рол ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни қўллаб-қувватлаши ҳамда уларни сақлаб туриш ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олиши керак. Улар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, барқарор ишлай бошлагач, хусусий мулк қилиб берилади⁴.

Дарҳақиқат, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали мулкчилик муносабатларидаги монополияга барҳам бериш ва иқтисодиётда кўп укладли соғлом рақобатга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришиш энг асосий вазифалардан бири эди. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти – уни дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборат⁵лигидадир.

ФКнинг 164-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, давлат мулк ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

- давлат мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатлари асосида давлатга қарашли бўлган мол-мулкка давлат органларининг ва давлат томонидан тузилган юридик шахсларнинг аниқ йўналтирилган, олдиндан белгилаб қўйилган мақсадни кўзлаб эғалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф тасарруф этиши ҳамда давлат мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Гарчи ушбу таъриф амалий жиҳатдан унча аҳамиятли ҳисобланмасада, назарий ва илмий жиҳатдан муайян маъно касб этади. Зеро, тушунча ва ибораларнинг таърифланиши уларнинг маълум маънода бир-биридан фарқланишига ёрдам беради.

¹Гражданское право. Учебник. 6 изд. Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю.К.Толстой Т. 1. -М.: Проспект. 2003. -465 с.

²Раҳманкулов Х. Законодательные источники гражданского права РУз и задача по их совершенствованию./Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ. 2004. -10 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги, 2002 йил 13 декабрдаги қонунларига мувофиқ киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга мувофиқ.

⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -44 б.

⁵Алимов П., Мансуров С. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш./Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асоси мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.-Т.: ТДЮИ. 2003. -280-281 б.

Давлат мулки ҳар доим ягона ва бўлинмас фонд (бюджет, давлат заҳираси, давлатнинг асосий ва айланма маблағларининг мажмуи) га бирлаштирилган (ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам шундай) ва бундай бирлашув ўзини оқлаган¹.

Давлат мулкни тасарруф этишда юқорида санаб ўтилган давлат органлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ўз ваколатлари доирасида фаолият юритадилар.

Ҳозирги кунда давлат мулкнинг икки кўриниши ҳисобланган Республика мулки ва муниципал мулкнинг ўзаро нисбати, уларни биридан иккинчисини ажратиб турувчи мезонлар мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Академик Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, амалиёт шуни кўрсатадики, ФКда Республика мулки ва муниципал мулк субъектларнинг ўзларига тегишли мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларидаги фарқлар белгиланмаган, давлат мулк ҳуқуқини бир субъектдан иккинчи субъектга ўтказишнинг белгиланган тартиби ва аниқ шартлари мавжуд эмас, бу эса уларнинг мулк ҳуқуқи субъекти сифатидаги ўз мулкый ҳуқуқларига бефарқликларни вужудга келтирмоқда. Бу, айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда ўз ечимини кутаётган муҳим масаладир. Зеро, айнан шу жараёнда давлат мол-мулки кимга тегишли эканлигини аниқлаш зарурдир².

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мамлакатимизда Республика мулки ва муниципал мулк субъектлари ваколатларини фарқловчи чегара мавжуд эмас. Тўғри, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июлдаги №355-сонли “Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни Республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкига (коммунал мулкка) бўлиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва унга илова қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни Республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкига (коммунал мулкка) бўлиш тартиби” Республика мулки ва муниципал мулкни бир-биридан ажратувчи ҳолатларни нормаласа-да, бу жараёни аниқ ифода этмайди ва тўлиқ қамраб олмайди. Ушбу тартибда Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни Республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкига бўлиш мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг балансидан Қорақалпоғистон Республикаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг балансига бепул ўтказиш асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бундай бўлиш вақтида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалар балансидан бўлган мол-мулк низосиз тартибда уларнинг мулкига айланади.

Бунда масаланинг ечимига доир бир қанча ижобий жиҳатлар мавжуд, бироқ мулкни топшириш жараёни бу ўринда муҳим ҳолат ҳисобланади. Зеро, бусиз маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ўз-ўзидан мол-мулкнинг (хаттоки ўз балансларидаги мол-мулкнинг) мулкдори бўлмайдилар³.

Шу сабабли ҳозирги кунда Республика мулки ва муниципал мулкни бир-биридан ажратиб турувчи ҳуқуқий қоидаларни белгилайдиган қонун ҳужжати зарур.

¹Мулкдор бир шахс (давлат) бўлганидан сўнг унга тегишли мулк ҳам умумий маънода бирлаштирилиш, ягона ва бошқарилишда осон ва қулай ҳолатга келтирилиши зарур. Шу маънода давлат мулкнинг ягона ва бўлинмас фонддан иборат бўлиши мантикий асосга эга.

²Раҳманкулов Х. Законодательные источники гражданского права РУз и задача по их совершенствованию./Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ. -10 б.

³Те А., Раҳманкулов М., Убайдуллаев З. Вопросы правосубъектности в законодательстве о государственной собственности. Книга «Право и рынок: теоретические проблемы развития». -Т.: Фан. 1994. -27 с.

Хулоса

Юқорида биз мулк ҳуқуқи мазмуни ва уни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини илмий-назарий таҳлил қилдик. Бу таҳлил жараёни бизга қуйидаги тартибда хулоса, таклиф ва тавсиялар баён этиш имкониятини яратиб берди:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан Республика мулки Республика мулки ва муниципал мулкни бир-биридан ажратувчи ҳолатларни нормаласада, бу жараёни аниқ ифода этмайди ва тўлиқ қамраб олмайди. Ушбу тартибда Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни Республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкига бўлиш мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг балансидан Қорақалпоғистон Республикаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг балансига бепул ўтказиш асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бундай бўлиш вақтида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалар балансида бўлган мол-мулк низосиз тартибда уларнинг мулкига айланади.

Бунда масаланинг ечимига доир бир қанча ижобий жиҳатлар мавжуд, бироқ мулкни топшириш жараёни бу ўринда муҳим ҳолат ҳисобланади. Зеро, бусиз маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ўз-ўзидан мол-мулкнинг (ҳаттоки ўз балансларидаги мол-мулкнинг) мулкдори бўлмайдилар¹.

Шу сабабли ҳозирги кунда Республика мулки ва муниципал мулкни бир-биридан ажратиб турувчи ҳуқуқий қоидаларни белгилайдиган қонун ҳужжати зарур.

2. Ҳозирча юридик шахсларни мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга оширганида “ўз манфаатларидан” келиб чиқиши, бу манфаатларни қай даражада англаб етиши, уларни юридик изҳор қилиш шакллари мулк ҳуқуқи назариясида етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган. Тўғри, шунга ўхшаш муаммолар фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи бўлган корпоратив ҳуқуқда маълум даражада изланишлар предмети сифатида қаралмоқда^{1[32]}. Бироқ, бунда муаммо мулк ҳуқуқини амалга ошириш масаласи орқали эмас, балки корпоратив бошқарувни оптимал моделларини топиш муаммолари нуқтаи назаридан қўйилган. Шу сабабли ҳам мулк ҳуқуқи назариясида ушбу янги муаммога алоҳида эътибор бериш масаласини қўйиш ўринли бўлур эди.

3. Мулкдорнинг ҳуқуқларидан бири эгалик қилиш ҳуқуқи бўлиб, бу ҳақда юридик адабиётларда бир қатор фикрлар илгари сурилган. Эгалик қилиш ҳуқуқи деганда, шахснинг ашё устидан фактик ҳукмронлиги тушунилади².

Якка тадбиркорлар ва юридик шахслар ўз пул маблағларини ўзларини фактик эгаллигида сақлаш имкониятлари чегараланган. Пул маблағларини инкассация қилиш, яъни банкка сақлаш учун топшириш мажбурияти белгилаб қўйилган. Айниқса савдо ташкилотлари бу мажбуриятни қатъий бажаришлари, кундалик савдо тушумларини тегишли банкларга сақлаш учун топширишлари лозим. Бу пул маблағларини муомиласини назорат қилиш, даромадларни яшириб қолишни олдини олиш, инфляцияни жиловлаш мақсадларига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам якка тадбиркорлар ва юридик шахслар банк ҳисобварағи шартномаси, нақд пул билан ишловчи субъектлар инкассация хизмати кўрсатиш шартномаси тузишлари шарт. Бироқ бу ҳолатни муайян салбий жиҳатлари ҳам маълум. Баъзи тадбиркорлик субъектлари ўзларига хизмат қилувчи банклардан нақд пулларини олиш имкониятлари чегараланган. Бу эса уларни нақд пул маблағларига нисбатан мулкдор сифатидаги ваколатларини амалга ошириш имкониятларини тўлақонли ва ўз вақтида содир бўлишга тўсқинлик қилмоқда. Албатта, пул муомиласи устидан, солиқларни тўланиши устидан давлат назорати зарур. Бироқ бундай давлат назорати мулк ҳуқуқини чеклаш, мулкдор ваколатларини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Тадбиркорлик

¹Те А., Раҳманкулов М., Убайдуллаев З. Вопросы правосубъектности в законодательстве о государственной собственности. Книга «Право и рынок: теоретические проблемы развития». -Т.: Фан. 1994. -27 с.

² Муаллифлар жамоаси. Мулк ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2006. 25-б.

субъектларига ўз пул маблағларини эркин фактик эгалик қилиш имкониятлари берилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Уй-жойга нисбатан бўлган умумий улушли мулк эгалари ўзларига тегишли улушларга яраша уй-жойни тақсимлашга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида уларнинг ҳар бирига уй-жойнинг алоҳида қисми (квартира ёки ажратилган хона) бириктириб қўйилиши мумкин.

Фуқароларнинг умумий улушли ёки биргаликда эгалигида бўлган хусусийлаштирилган турар-жойларни бўлиш ҳақидаги масалалар суд амалиётида турлича ҳал этилиши ҳолатлари учрайди. ФКнинг 223-моддасига мувофиқ, умумий улушли мулк эгасининг ҳар бири умумий мулкдан ўз улушини ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни ажратиш усули тўғрисида шериклар ўзаро келиша олмаган бўлсалар, мулк ҳар қайси шерикнинг даъвоси бўйича суд томонидан тақсимланади. Амалда шундай ҳоллар учрайдики, умумий мулкдан улуш ажратиш ҳақидаги қонуннинг қоидалари хусусийлаштирилган турар-жойларга татбиқ қилиниши мумкин эмас ва бундай турар-жойларни тақсимлашда Уй-жой кодекси нормалари татбиқ қилиниши лозим.

ФКнинг 223-моддасининг 2-қисмига биноан, турар-жой унинг шерикларини умумий мулки бўлган квартира, уй (уйнинг бир қисми)даги улушларига мувофиқ тақсимланиши лозим.

Биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар-жойлар ҳам шундай тартибда тақсимланиши керак¹.

Ушбу масала бўйича тегишли кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1994 йил 9 сентябрдаги 21-сонли қарорининг 19-бандида берилган².

Аммо бундай тақсимлаш мазкур аҳоли яшайдиган жойнинг режалаштириш лойиҳасига зид бўлмаслиги керак. Уй-жойни тақсимлаш тўғрисидаги битим нотариал тартибда тақсимланиши ва туман (шаҳар) ҳокимлиги идораларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Баъзи ҳолларда умумий мулкдан тегишли улуш мулк эгаларидан бирининг қарзини қоплаш учун унинг кредитори талаби бўйича ҳам ажратилиши мумкин.

Уйлаймизки, юқорида билдирилган хулоса ва фикрлар мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида манба сифатида хизмат қилади.

¹ Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 1995. 3-4-сон. -33-34 б.

² Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 1995. 1-2-сон. -28 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида:Т-6.–Т.:Ўзбекистон,1998
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон,1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т-9.–Т.: Ўзбекистон, 2001
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10-Т.: “ Ўзбекистон”, 2002
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т.: « Ўзбекистон», 2005
15. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: Ўзбекистон, 2007
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010. (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза).

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир (2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).

23. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009

24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи.16-сон.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011.

27. Каримов И.А. “Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”, “Хақ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь;

28. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Манба: www.yurida.uz.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Зокиров И. Фуқаролик ҳукуқи. -Т.: ТДЮИ. 2006.
2. Витрянский В.В., Брагинский М.И. Договорное право. Ч.1. -М.: Статут. 2003.
3. Витрянский В.В., Брагинский М.И. Договорное право. Ч.2. -М.: Статут. 2003.
4. Гражданское право. //Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. В 3-х томах. -М.: Проспект. 2003.
5. Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулкдор ким? –Т.: ТДЮИ. 2003.
6. Зокиров И., Окюлов О., Баратов М. Фуқаролик ҳукуқи: саволлар ва жавоблар. –Т.: ТДЮИ. 2003.
7. Караходжаева Д. Методические указания к изучению курса гражданского права Республики Узбекистан (часть 1). -Т.: ТДЮИ. 2003.
8. Караходжаева Д. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳукуқининг биринчи қисми бўйича услубий қўлланма. -Т.: ТДЮИ. 2003.
9. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.
10. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳукуқи. (II). -Т.: Адолат. 1999.
11. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳукуқининг умумий қисмидан амалий машғулотлар ўтказиш учун ўқув-услубий Қўлланма. -Т.: ТДЮИ. 2005.
12. Муаллифлар жамоаси.//Маъс.мух. И.Зокиров. Мулк ҳукуқи.-Т.ТДЮИ. 2006.

13. Раҳмонкулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси. 1997.
14. Раҳмонкулов Х. Олди-сотди шартномаси. -Т.: Адолат. 2000.
15. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига шарҳ. Т.: ТДЮИ, 2008.
16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.- 496 б.
17. Д.М.Караходжаева Гражданское право. Умумий қисм. Дарслик. Ташкент: Укитувчи, 2007 248 б.
18. Д.М.Караходжаева Проблемы права собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. Монография. Ташкент: ТДЮИ, 2007 242 с.
19. С.Б.Бобокулов Иқтисодий ислохотлар жараёнида ижара шартномасини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. Тошкент. “Илм зиё”. 2007.
20. С.Б.Бобокулов Ижара муносабатларини тарихий ривожланиш босқичлари ва бозор муносабатлари шароитида ижара шартномаси конструкцияларини табақалаштириш муаммолари Тошкент. “Илм зиё”. 2007.
21. М.Х.Баратов Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат иштироки: назария ва амалиёт./Монография. -Т.: ТДЮИ, 2008. Адади: 500. 9,5 б.т.
22. М.Х.Баратов Давлат мулк ҳуқуқи./Монография. -Т.: ТДЮИ, 2008. Адади: 500. 9,7 б.т.
23. Н.Ф.Имомов Интеллектуал мулк ҳуқуқи.Ўқув-услубий қўлланма.-Тошкент, ТДЮИ.2008.-140 б.
24. Ўзбекистон Республикасининг Ипотека тўғрисидаги қонунига шарҳлар. -Тошкент. ТДЮИ. 2007.
25. Гражданское право (особенная часть). Учебник. –Т.: Издательство ТГЮИ, 2009. -864 стр.
26. М.Х. Baratov. Mulk huquqi. -Т.: TDYUI, 2009. - 336 б.
27. Б.Топилдиев. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Монография. . -Т.: ТДЮИ. 2009. -124 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. O`zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. -Т.: O`zbekiston, 2011- 40 б.
2. Конституция Республика Узбекистан. -Т.: Узбекистан, 2010- 40 б
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда “Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январдаги ЎРҚ-77-сон Қонуни. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 1-2-сон, 2007 йил, январь. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. -172 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2008.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил №1-2, 8-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган. 1993 йил 2 сентябрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. 2000 йил 26 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992 йил №1, 45-м.; 1993 йил №9, 329-м. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990 йил, №31-33, 371-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №1, 43-модда.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 185-модда.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2012 йил № 5-6, 140-модда.
15. Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1-том. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002. -680 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3202-сонли Фармони./Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 1-2-сон, 4-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони./Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 167-модда.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2000 йил 22 декабрдаги қарори./Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрдаги Пленуми қарорлари. -Т.: 2001.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги 1998 йил 30 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 5
21. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 5
22. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги 1998 йил 24 декабрдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 й., № 1, 10.
23. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 9-10, 173-модда.

Қўшимча адабиётлар:

1. Асфандияров С. Правовая охрана объектов промышленной собственности в Республике Узбекистан.//Ж.Давлат ва ҳуқуқ. 2003. №1.-Б.22-27.
2. Асъянов Ш.М. Лизинг – особое вид договора имущественного найма./Монография/. – Т.: Эволюция и договорного права. 1997. -190 б.

3. Ашурова Н. Вояга етмаганларнинг мерос ҳуқуқи./Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўпламида. -Т.: ТДЮИ. 2005.-Б.122-127.
4. Баратов М. Васият бўйича ворислик муносабатларида давлатнинг иштироки.//Давлат ва ҳуқуқ. 2005. №6.-Б.11-13.
5. Баратов М. Мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида давлатнинг мақоми.//Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси. 2006. №2.-Б.41-44.
6. Баратов М. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. №1. - Б.30-32.
7. Баратов М. Корхонани сотиш шартномаси.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. №3. -28-31 б.
8. Баратов М. Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида фуқаролик қонунчилигининг тараққиёти.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2006.№4.-69-71 б.
9. Баратов М. Мулкчилик тўғрисидаги қонунчилик эволюцияси./Мустақиллик йилларида ислохотларни таъминлашда ҳуқуқшуносликнинг роли мавзусидаги илмий-амалий анжуман материалларида.-Т.: ТДЮИ.2006. -135-141 б.
10. Баратов М. Давлат шахсий-номулкий ҳуқуқлар субъекти бўлаоладими? //Фалсафа ва ҳуқуқ.2006.Махсус сон -51-52 б.
11. Баратов М. Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида давлатнинг тутган ўрни ва роли.//Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси. 2006. №11-12. - 67-69 б.
12. Бобоқулов С.Б.Кўчмас мулкни кўчиши ёхуд ижара шартномасига доир тартиб қоидалар. //Ж.Ҳаёт ва қонун. 2004.№5. -Б.55-56.
13. Гулямов С.С.Правовые проблемы корпоративного управление: теория и практика./Монография/. -Т.: ТГЮИ.2004.-392 б.
14. Зокиров И.Б. Халқаро Конвенциялар ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси – фуқаролик-савдо қонунларини такомиллаштириш манбаи сифатида./Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламида. –Т.: ТДЮИ. 2004.- Б.21-27.
15. Зокиров И.Б.Влияние традиционно-обычного права на законодательство Республики Узбекистан.//Ж.Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2004. №4.- Б.35-38.

Электрон ресурслар:

1. <http://Allpravo.ru>
2. <http://Internet-law.ru>
3. <http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
4. <http://www.library.by/data>
5. <http://www.lawportal.ru>
6. <http://www.legislature.ru>
7. www.yurida.uz.

